



## FROM THE HISTORY OF CULTURAL RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND THE PEOPLE'S REPUBLIC OF CHINA IN THE SECOND HALF OF THE 20TH CENTURY

*Fayzullo Ernazarov*

*Professor, Doctor of Historical Sciences (DSc)*

*Tashkent State Pedagogical University named after Nizami*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Uzbekistan, China, cultural relations, culture, Asia, film festival.

**Received:** 13.12.24

**Accepted:** 15.12.24

**Published:** 17.12.24

**Abstract:** This article analyzes and discusses the history of cultural relations between Uzbekistan and the People's Republic of China in the second half of the 20th century.

## XX АСРНИНГ II ЯРМИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР ТАРИХИДАН

*Файзулло Эрнazarov*

*профессори, тарих фанлари доктори (DSc)*

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика Университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон, Хитой, маданий алоқалар, маданият, Осиё, кинофестиваль.

**Аннотация:** Ушбу мақолада XX асрнинг II ярмида Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида маданий алоқалар тарихи мавзуси таҳлил ва муҳокама этилган.

## ИЗ ИСТОРИИ КУЛЬТУРНЫХ СВЯЗЕЙ УЗБЕКИСТАНА И КИТАЙСКОЙ НАРОДНОЙ РЕСПУБЛИКИ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XX ВЕКА

*Файзулла Эрнazarov*

*Профессор, доктор исторических наук (DSc)*

*Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Узбекистан, Китай, культурные связи, культура, Азия, кинофестиваль.

**Аннотация:** В данной статье анализируется и рассматривается история культурных связей между Узбекистаном и

Мамлакатлараро маданий алоқалар муайян ижтимоий давр аъзоларининг савияси, дунёқараши юксалишида ҳамда умуминсоний қадриятлар уйғунлашувида алоҳида аҳамият касб этади. Кишиларнинг фикрлаш тарзини маълум даврдаги муайян шароитга мос келадиган қилиб ўзгартириш зарурияти халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни тақозо этиши табиийдир.

Даврнинг ҳақиқий моҳиятини англаб етиш учун маданий алоқалар бир миллатни улуғлаш учун эмас, балки, бутун дунё халқлари билан кенг алоқага асосланган бўлмоғи зарур. Шундагина халқаро маданий алоқалар ўзининг чин моҳиятига эга бўлади.

XX асрда ўзбек халқининг Осиё мамлакатлари билан маданий ҳамкорлиги «шаклан миллий, мазмунан социалистик» талаблар асосида амалга оширилган. Бу эса Хитой Халқ Республикаси билан маданий алмашинув жараёнида ҳам ўз ифодасини топган эди.

Ўтган асрнинг мураккаб сиёсий зиддиятлари, коммунистик мафқуранинг сиёсий чекловлари натижасида Ўзбекистон тарихида маданий алоқалар жараёнида ўзига хос манзара касб этади. Ана шундай ижтимоий-сиёсий воқелик Ўзбекистоннинг Хитой Халқ Республикаси билан маданий алоқаларида ҳам мураккаб ва зиддиятли тарзда амалга оширилди.

Маълумки, Хитой Халқ Республикаси ўтган асрда совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ, яъни, 1924 йил 31 майда ўзаро дипломатик алоқаларни ўрнатган эди. 1949 йил 1 октябрда Хитой Халқ Республикаси эълон қилинганидан сўнг совет ҳукумати билан имзоланган Октябрь шартномаси молиявий ва иқтисодий мақсадларга мўлжалланди.

Хитой Халқ Республикаси ички ҳаётида «катта сакраш» ва «маданий революция» даври деб эътироф этилган 60-йилларда совет ҳокимияти билан бўлган дипломатик алоқалар тўхтатиб қўйилгани боис, Осиё мамлакатлари билан кино санъати соҳасида Хитойнинг иштироки кўзга ташланмайди.

70-йиллардан Хитой-Совет муносабатларининг янгидан ислоҳ этилиши натижасида маданий алоқаларда маълум даражада жонланиш сезилди. Аммо, бу жараён, асосан, умумсовет миқёсида эмас, Ўзбекистон социалистик республикаси доирасида совет мафқураси талаблари асосида амалга оширилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нима сабабдан Хитой Халқ Республикаси билан маданий алоқалар асосан, Ўзбекистон билан йўлга қўйилган эди? Айтиш мумкинки, хитой ва ўзбек халқининг маданий ҳамкорлик сабабларидан бири, Ўзбекистон билан чегарадош бўлган Шинжон Уйғур автоном республикасининг тили, дини, миллий қадриятларининг муштараклиги, қолаверса, маданий алоқаларнинг ўта қадимий анъаналарга

асосланганидадир. Аммо, шунга қарамай, қадимий муштарак анъаналар ва маданий алоқалар совет ҳокимияти даврида деярли тўхтатиб қўйилди. Бу ҳолатни, айниқса, кино соҳасидаги маданий алмашувда кузатиш мумкин.

Совет ҳокимияти даврида, айтиш мумкинки, кино соҳасидаги ҳамкорлик Хитой Халқ Республикаси билан у қадар кўзга ташланмайди. ЎзМДА маълумотларини кўздан кечирилганда, Тошкент Халқаро кинофестивали 1968 йилда йўлга қўйилганига қарамасдан, 1982 йилда ўтказилган VII Халқаро Кинофестивалга қадар хитой кинематографиясининг иштироки кузатилмайди. Ҳатто, Хитой кинематография делегациясигина эмас, фестивалларга тақдим этилган фильмлар рўйхатида ҳам Хитой кинофильмлари қайд этилмаган. 1976 йилда ўтказилган IV Тошкент Халқаро Кинофестивалида эса Хитой Халқ Республикаси фестивалда қатнашишдан бош тортган давлатлар қаторида қайд этилмоқда.

1984 йилдан бошлаб Хитой Халқ Республикаси кинематографияси соҳасидаги маданий алмашув кўзга ташланади. Жумладан, 1986 йилдаги анъанавий IX Тошкент Халқаро Кинофестивалида қатнашган Осиё мамлакатлари қаторида Хитой Халқ Республикасидан 4 нафар қатнашчи ташриф буюрган. Аммо фестивалга олиб келинган фильмлар рўйхатида Хитой фильмларининг ўрин олмаганини кузатиш мумкин. Муҳими, хитойлик кинематография усталарининг ушбу улкан маданий тадбирда қатнашуви бу соҳадаги маданий алоқаларнинг келгусида ўсиши учун йўл очиб берди.

80-йиллар Ўзбекистоннинг Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан кино санъати соҳасидаги маданий алмашувининг энг юқори даражага чиққан даври ҳисобланади. Айниқса, 1988 йилдаги X Халқаро кинофестивалда ана шу бадиий маданий ҳамкорлик дунё халқларини яқинлаштириш, улар орасидаги маънавий алоқаларни йўлга қўйишдек ноёб имконият яна бир бор намоён бўлади. Мазкур фестиваль ўз амалиётига кўра яна бир алоҳидалик касб этади: бу йил халқаро кинофестивалнинг 20 йиллик юбилейи ҳам кенг нишонланди. Юбилей кинофестивали аввалгиларидан шуниси билан фарқ қиладики, олдинги фестивалларда ҳеч қандай ижодий беллашув бўлмаган, бу сафар эса бадиий фильмлар юзасидан конкурс ўтказилди.

Бу гал фестиваль Бош дирекцияси бешта соврин таъсис этди. Улар қуйидагилардан иборат эди:

1. «Олтин семурғ» — катта мукофот.
2. «Кичик Олтин семурғ» — энг яхши дебют учун.
3. «Олтин лола» — энг яхши ижро этилган аёл роли учун.
4. «Олтин арча» — энг яхши ижро этилган эркак роли учун.
5. «Хўжа Насриддин» — кино санъатида миллий анъаналарни сақлаб қолганлиги

ва ривожлантиргани учун.

Бу мукофотларни қўлга киритиш учун ўн олти мамлакатнинг ўн етти фильми ўзаро рақобатлашган, мазкур юбилей фестивалида Хитой Халқ Республикаси кинематографчиларининг ҳам фаол иштироки кузатилади.

Ушбу фестивалга тақдим этилган кинофильмлар қаторида Хитой киноижодкорлари «Урушдан олисда ўтган йиллар» бадиий фильми билан иштирок этди.

Конкурс шартига кўра, «Хўжа Насриддин» мукофоти кино санъатида миллий анъаналарни сақлаб қолганлиги ва ривожлантирганлиги учун берилиши керак эди. Жюри ҳайъати бу совринни хитойлик режиссёр Ху Мейнинг «Урушдан олисда ўтган йиллар» картинасига берди.

Фавқулудда отишма, кувғин ва олишувларга бой бўлган бу картина миллий характер анъаналарини ёрқин ифодалагани учун махсус мукофотга сазовор бўлди. Мазкур фестиваль, ундаги фаол маданий алмашинув ҳақида А.Жўраев шундай деб ёзади:

Кинофестиваль аввало бу — фильмлар кўригидир. Унда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси кинематографлари суратга олаётган янги фильмлар намоиш этилиб келинади. Жумладан, Ҳиндистон, Миср, Япония, Вьетнам, Сенегал, Туркия, СССР, Куба, Аргентина, Ангола, Сурия сингари мамлакатлар киноанжуманнинг доимий иштирокчиларидир. 1984 йилдан бошлаб Хитой Халқ Республикаси кино вакилларининг иштирок этаётганлиги кувончли ҳолдир.»

Хитойлик кинорежиссёр Ху Мей мамлакат кинематографиясининг энг фидойи иждоқорларидан бири саналади. Кинофестивалга тақдим этилган «Урушдан олисда ўтган йиллар» кинофильми ҳақидаги миллий ўзига хослик, санъатнинг анъанавий талабларидан фойдаланиши, новаторликнинг ўзига хос жиҳатлари, фильмдаги урф-одатлар ва кадриятлар ифодаси борасида кўплаб мутахассислар фикр билдирган эди.

II Жаҳон урушидан 90-йилларгача Хитой киноижодкорларининг маданий ҳамкорлиги бир сўз билан айтганда, деярли йўлга қўйилмади. Театр-томоша санъати алоқалари, иждодий гастроллар, асосан, Хитойнинг туркий халқлар яшайдиган ҳудудларида ўтказилгани ҳолда, киносанъат борасидаги маданий алмашув ўта чекланган тарзда юз берди. Тарихий-тадрижий жараёнда турли хил позициядаги ижтимоий ҳаёт тарзи, сиёсий-мафкуравий номувофиқлик узоқ йиллар давомида қўшни мамлакат маданияти, халқлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг кескин чекловлар остида қолишига сабаб бўлган эди.

Аммо, ўзбек ва хитой кино санъати усталарининг фидойилиги, маданий алоқалардаги анъанавий муштарақлик келгусида мустақил Ўзбекистон ва Хитой кино санъати соҳасидаги маданий ҳамкорлик учун замин ярата олди.

Юртимизнинг мустақилликка эришуви даврнинг тубдан янгиланишини тақозо этди. Ҳукмрон мафкура ўз аҳамиятини йўқотди, халқларнинг асрий кадриятларига хос миллий

истиклол мафқураси майдонга келди. Эндиликда маданий алоқалар борасидаги саъй-харакатлар янгича манзара, алоҳида моҳият ва ўзгача бир ҳодиса сифатида ислоҳ этилиши мумкин.

Ўтган тарихий даврнинг мураккаб сиёсий-ижтимоий чекловларига карамай, миллатнинг чинакам санъатини юзага чиқара олган кинематографчиларнинг ижодий мактаби, қадим анъаналаримиз кино санъати соҳасидаги алоқаларни ҳам ривожлантиришга, мустабид тузум даврида шаклланган бундай ҳамкорликни истиклол имкониятларига асосланган ҳолда бугунги маданий ҳаёт тарзига тадбиқ этиб, қайта ислоҳ эта билиш ўзбек халқининг қўшни давлат халқлари билан ижодий алоқалари, маданий юксалишига, жамиятимиз аъзолари маънавий савияси ва бадиий тафаккурини юксалтиришда беқиёс аҳамият касб этади.

#### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ**

1. Муаллифлар жамоаси. Жаҳон мамлакатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1990 йил.
2. ЎзМДА, 2564-фонд, 1-рўйхат, 3280 йиғма жилд, 1-варақ.
3. ЎзМДА, 2564-фонд, 1-рўйхат, 2094 йиғма жилд, 20-варақ.
4. ЎзМДА, 2564-фонд, 1-рўйхат, 2397 йиғма жилд, 38-варақ.
5. ЎзМДА, Р-2564-фонд, 1-рўйхат, 3545 йиғма жилд, 6-варақ.
6. Тинчлик ва дўстлик рамзи. // Совет Ўзбекистони санъати, 1988 йил, 5-сон. 2-бет.
7. ЎзМДА, Р-2564-фонд, 1-рўйхат, 3645 йиғма жилд, 4-варақ.
8. Жўраев А. Фестиваль сабоқлари. // Совет Ўзбекистони санъати, 1988 йил, 8-сон. 3-бет.